

Халқимиз ўз тарихида қандай оғир табиий офатларни кўрган бўлмасин, Қодир Аллоҳнинг марҳамати билан, ўзининг куч-қудрати, вазминлиги ва донишмандлиги орқали уларнинг барчасини енгиб ўтган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва балдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Охириги уч йилда ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Шу даврда тармоққа ажратилган маблағлар 3 баробарга ошди. Усуналарнинг учдан бир қисми янгиланди. 850 тадан зиёд илгор ва инновацион технологиялар жорий этилди.

Натижада қидирилаётган қазилма бойликлари турлари 3 тадан 17 тага кенгайди. Руда таркибида аниқланадиган элементлар сони 12 тадан 40 тага етказилди. 2019 йилда Марказий Осиёда илк бор замонавий аэрогеофизик комплекс ишга туширилиб, ер қазрини инновацион усулларда ўрганиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, геология ишларининг бошланғич босқичида замонавий ГИС-технологиялари асосида дунёда тан олинган Global-Mapper, Erdas, ENVI дастурлари ва юқори аниқликдаги Landsat, Aster космосуратларидан фойдаланиш жорий этилди. Бу усуллар анча чуқур қатламлар ҳақида юқори аниқликда маълумот олиш ҳамда катта ҳудудларни қисқа муддатда ўрганиш имконини бермоқда. Энг муҳими, вақт ва харажат тежалмоқда.

Ер ости сувларини мониторинг қилиш ва кадастрини юритиш ҳам тақомиллаштирилди. 250 та кузатув кудуғида ер ости суви параметрларини масофадан автоматик ўлчаш қурилмалари ўрнатилди. Соҳадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида жорий йилда геология-қидирув ишларига 1,6 триллион сўм ажратилди.

Йиғилишда мазкур ишлар ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари кўриб чиқилди.

Йил якунига қадар олтин ва кумуш ресурслари, мис ва 8 турдаги норузда бойликлари захираларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун техникаларни янгиллаш давом эттириш керак. Масалан, замонавий ускуналарни қўллаш ҳисобига бурғилаш чуқурлигини 800 метрдан 1200 метрга етказиш, иш самарадорлигини эса 1,7 бараварга кўпайтириш мумкин.

Шу боис жорий йилда геофизика, бурғилаш, тоғ-кон ва лабораторида қўлланиладиган 385 та ускунани модернизация қилиш бўйича топшириқ берилди. Йил якунига қадар углеводородга истиқболли 16 та майдонни аниқлаш, 23 та янги кон захираларини тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

Соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан,

давлатимиз раҳбари бунинг учун халқроқ стандартларни жорий этиш кераклигини таъкидлади. Хорижий мутахассисларни жалб қилиб, геологларни JORC стандартлари бўйича маълумот тайёрлашга ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзлаштириш учун тайёр 20 та конга тажрибали инвесторларни жалб қилиш, бошқа истикболли майдонлар бўйича сармоявий лойиҳаларни шакллантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Геология соҳаси қишлоқ ҳўжалиги ерларини сув билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, қудуқлар қазиш учун ҳар бир туманга махсус техникалар етказилиши белгиланган.

Йиғилишда 3 минг гектарга сув чиқариш учун 70 та қудуқ бурғилаш бўйича вазифа қўйилди. Шунингдек, жорий йилда 200 та янги қудуқда сув сарфини, 400 та қудуқда ер ости сув сатҳини онлайн мониторинг қиладиган тизим жорий этиш ҳамда ер ости сувлари интерактив харитасини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Геология ривожига фундамента, илмий, инновацион ва амалий тадқиқотларнинг ўрни катта. Шу боис йил якунига 2,5 минг квадрат километр майдонни космик тасвирлар орқали, 5 минг квадрат километр майдонни аэрогеофизика усули орқали геологик ўрганиш юзасидан топшириқлар берилди.

Жорий йил 24 январда Олий Махлисга йўлланган Мурожаатномада ҳамда 31 январь куни илм-фан вакиллари билан учрашувда давлатимиз раҳбари геология соҳасида илмий салоҳиятни ривожлантиришга доир қатор истикболли вазифаларни белгилаб берган эди.

Шу асосда Геология фанлари университетини ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда. Унинг ўқув дастурлари Санкт-Петербург кончилиқ университети ва бошқа хорижий таълим муассасаларининг илгор тажрибаси ёрдамида ишлаб чиқилмоқда.

Йиғилишда мазкур янги университет қошида Геология музейини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ўқув жараёнига боғлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Мутасаддилар соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳамда галдаги топшириқларни бажаришга қаттиқлиган режалар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5978-сон фармонларига мувофиқ, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар берилди, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган ташкилотлар ходимларига иш ҳақи, шунингдек, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг узлуқсиз тўлаб берилиши таъминланди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2020 йил

1 апрелдан 2020 йил 1 октябрга қадар:

а) Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондида, “Саховат ва кўмак” фондида, “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондида, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган жисмоний шахсларга бегараз бериладиган:

пул маблағлари ва товарлар (хизматлар)га фойда солигини ҳисоблашда ҳегириладиган харажатлар сифатида қаралади;

товарлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солиш объектига киритилмайди;

б) Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондидан, “Саховат ва кўмак” фондидан, “Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондидан, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган бегараз ёрдам (пул маблағлари, товарлар ва хизматлар)га, агар ёрдам олувчи шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шакллантирилаётган ижтимоий қўллаб-қувват-

лашга муҳтож бўлган жисмоний шахслар рўйхатига киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди;

в) жисмоний шахсларга турар-жойларини жисмоний шахсларга ва коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар-жойларини ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар бўйича солиқни фойзисиз кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилади. Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлаш бўйича берилган кечиктириш суммаси 2021 йил 1 апрелга қадар муддатгача тенг улушларда тўланиши лозим;

г) лизинг корхоналари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фойз даромадлари суммаси фойда солигини ҳисоблашда кечиктириш берилган даврдаги жами даромад таркибига киритилмайди;

д) тижорат банкларининг кредитлари бўйича фойз харажатларини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилиш тартиби тадбиркорлик субъектларининг амалдаги кредит шартномаларига ҳам татбиқ қилинади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йилда ҳодимга тўланадиган, жисмоний

шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигининг пенсиялар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган, ортқча тўланган пенсиялар бўйича 2020 йил 20 апрель ҳолатига пенсионерларнинг қарздорлик суммасини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 майдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан пенсия олувчи шахслардан ташқари) пенсиялар тўлови тўғридан-тўғри Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилади.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тад-

биркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5978-сон Фармонининг 6-бандида назарда тутилган сод-далаштирилган тартибда солиқларни тўлаш бўйича фойзисиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бериш муддати 2020 йил 31 декабргача узайтирилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ва келгусида тўланадиган солиқ суммаларини тўлаш бўйича муддатни мустақил равишда, бироқ икки йилдан оширмасдан белгилаш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Молия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқади-ган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 27 апрель

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкиллаштириш тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларда аке этмоқда

Бугун COVID-19 туфайли дунёнинг барча мамлакатида ишсизлар сони ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Бу — глобал иқтисодийнинг умумий муаммосига айланапти. Ҳўш, шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистон ушбу масалада қандай чора-тадбирларни кўрмоқда?



Давлатимиз раҳбари шу йил 25 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида коронавирус пандемияси шaroитида айнан аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги видеоқонференцалоқа шаклида ташкил этилган мажлисида “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда кўтарил-

ган масалалар инобатга олинган ҳолда муҳокама қилинди.

Депутатларнинг фикрича, амалдаги “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганига йигирма йилдан ортиқ вақт ўтган бўлиб, ундаги қоидалар эскирган ва бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди.

Ҳўш, янги қонун лойиҳаси қайси жиҳатлари билан аҳамиятли?



Коронавирусми ёки «иктисодий вирус»?

Таҳлил

Бугунги кунда бутун дунё олимлари, таҳлилчилар, сиёсатчилар, давлат арбоблари ва жамоатчилик вакиллари коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, уни бартараф этиш йўллари хусусида қизгин муҳокама қилишган. Зеро, коронавируснинг олдини олиш мақсадида дунё аҳолисининг катта қисми карантинга олинди. Алалоқибат, йирик заводлар тўхтади, транспорт ва туризм соҳаси турғунликка юз тутди. Ишсизлик, молия

бозорлари таназзули, қисқаси, жаҳонда ялпи талаб ва ялпи тақлифнинг параллел равишда қисқараётгани “ноёб” иқтисодий инқироз бошланаётганлигидан дарак бермоқда. Ўз навбатида, “тождор” вирус биологик вирус бўлибгина қолмасдан, “иктисодий вирус” тусини олаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Чунки бугун кўпчилик унинг зарбаларини ҳозирданок ҳис қилияпти. Бинобарин, дунё биологик вирус ва “иктисодий вирус”ни енгиш билан боғлиқ икки ўт орасида қоляпти.



ДЕҲҚОН ЕЛКАСИДАГИ ТОҒ

Коронавирусни енгиш учун нима керак? Куч керак! Куч дегани дўхтирлар тили билан айтилса, иммунитет! Қишлоқ одамлари деҳқонча қилиб “танангда жонинг борми, қуватинг борми”, дейишади. Вирус кўчдан қўрқади. Забардаст иммунитет коронавирусни енгади. Куч қаердан келади? Куч “очил дастурхон” — ердан келади, тупроқдан келади. Деҳқон — тупроқнинг эгаси, деҳқон — “очил дастурхон”нинг пири.

Бугуннинг гапи

Коронавируснинг кўринмай изгиши... ёмон бўлди. Кўплар уйда ўтирибди. Болалари ёнида. Деҳқон-чи? Деҳқон уйда ўтиролмайдди. Тўғри, болалари уйда, аммо даласи-чи?! Даладаги дарахтлари, экинлари, зироатларини кўрмаса, туролмайди. Болаларига “ки-тоб ўқиб ўтирингла”, деб қаттиқ тайинлайди ва дарахтлари билан сўхбатлашгани, қартошқалари билан дардлашгани, пиёзу қарамлари билан сўзлашгани, даласини тинглагани шошади. Бу мулолаа эмас. Деҳқон одамнинг ҳаёти шу.

Бугун деҳқон ўзи билан ўзи овора эмас.



ЕОИИ доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш ташқи савдони ривожлантиришга хизмат қилади

Халқаро ҳамкорликда интеграциялашув давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги муҳим жиҳат ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳамкорлик доирасида халқаро муносабатлар олиб бораётган Ўзбекистон ҳам бу жараённинг бевосита иштирокчиси бўлиб бормоқда.

Депутат фикри

Жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион иттифоқлар ва ташкилотларга аъзо бўлишда, энг аввало, аъзолик давлат ва халқ манфаатларига қай даражада мос келишини чуқур таҳлил қилиш муҳим масала саналади. Шу маънода, айти қунларда кенг муҳокама қилинаётган

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик ўрнатилмасаласи ва унинг доирасида техник жиҳатдан тартибга солишнинг ташқи савдони ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсак.



ДУНЁНИГОҲИ

Жаҳон банки
Ўзбекистоннинг
масофавий таълим юзасидан
қўллаган тезкор чорасини
юқори баҳолади

Яқинда Жаҳон банки сайтида “Ўзбекистон: мактаблар ёпилган пайтда таълим бериш учун ўз вақтида қилинган жавоб” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Эътироф

Жаҳон банкининг таълим сектори менежери Гарри Патринос, таълим бўйича етакчи мутахассис Янсен Тейшейра ва молия муассасасининг Тошкентдаги офиси таълим бўйича мутахассиси Нодира Мелибоева ушбу материал муаллифларидир. Таъкидланишича, Ўзбекистон ҳукумати мамлакатда COVID-19 тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу касаллик билан боғлиқ биринчи ҳолат қайд этилиши заҳоти барча мактаблари ёпиш тўғрисида қарор қабул қилди. Орадан икки кун ўтиб, Халқ таълими вазирлиги карантин пайтида 6,1 миллион ўқувчи учун масофавий ўқитишни жорий этишдек илгари кузатилмаган режасини эълон қилди.

Экспертларнинг фикрича, бутун дунёда ўқувчиларни масофавий ўқитиш усулига ўтказиш жараёнида барча ҳам ресурслар ва электрон таълим бўйича тенг шароитларга эга эмас. Боз устига, ушбу пандемия инқирози кўмакка муҳтож аҳоли қатламларига энг кўп зарар етказяпти. Аксарияти эса узоқ худудларда яшаганликлари учун уларда электрон қурилмалар ёки интернет тармоғига уланиш имконияти мавжуд эмас, дейилади мақолада.

Уларнинг эътирофига кўра, Ўзбекистонда интернет ресурслари чекланган бир шароитда теледасларнинг йўлга қўйилиши аънаванвий ўқитиш усуллари вақтинча тўхтатилган давр учун муносиб жавоб бўлди. Бинобарин, кўрсатувлар бутун мамлакат бўйлаб узатила бошланди. Бу борада истеъмолчилардан ортиқча харажат ҳамда янги инфратузилма ечимлари талаб қилинмайд.

Муаллифлар ўтган бир неча кун ичида миллий телеканалларда ўзбек, рус ва сурдо тилида 350 дан ортиқ видеодаслар эфирга узатилганига тўхталиб ўтган. Қолаверса, бундай материаллар Халқ таълими вазирлигининг ижтимоий тармоқ платформалари қатори “YouTube” ва “Mover.uz” видеохостингларига жойлаштирилгани қайд этилган.

Мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси маълумотига кўра, интернет хизматлари кўрсатувчилар ва GSM мобил алоқа операторлари томонидан Халқ таълими вазирлигининг электрон ресурсларидан беғуп фойдаланиш имконияти яратиб берилгани ҳам юқори баҳоланмоқда. Бу, ўз навбатида, техник имкониятларга эга барча ўқувчилар учун интернет орқали билим олиш даражасини сезиларли равишда оширмоқда.

Бугунги кунда кунига ўртача 100 та видеодарс бериб бориляпти. Бу эса пандемия шароитида ҳам таълим дастурларини қандайдир таънафусларсиз ва узлуксиз ўтишни таъминляпти, деб ёзади муаллифлар.

Халқро ташкилот вакиллрининг айтишича, инқирозли вазиятлардаги факултдада масофадан ўқитиш билан яхши ўйланган онлайн дастурлар ўртасида фарқ бор. Уларнинг фикрича, ноанъанавий таълим бериш турларини жорий этаётган қўлаб давлатларнинг сабъ-харакатларида коронавирс пандемияси сабабли орттирилаётган қимматли тажрибалар ҳам инобатга олинши керак.

Экспертлар хулоса ўрнида таъкидлашганидек, Ўзбекистон факултдада вазиятларга тезкор ва креатив жавоб қайтара олди. Бу эса республика раҳбариятининг пандемия даврида ҳам аҳолининг кўмакка муҳтож қатламлари таълим олишини қўлаб-қувватлашга қодир эканлигидан дарак беради.

«Халқ сўзи».

ДЕҲҚОН
ЕЛКАСИДАГИ
ТОҒ

◀1Йил йилга ўхшамайди, бу йил бошқача... Коронавируснинг ҳароб бўлути айланди. Барчанинг кўзи деҳқонда. Деҳқоннинг юраги экинларида, нигоҳи қора булутда. Ҳх-ў, деҳқонга нийҳатда оғир. Бозордаги нарх жойида турадилми?

Бугун ҳамманинг кўнглида бир савол. Картошка, пияёз, помидор, қовун-тарвуз, олма-узум, гўшт, асал... Бу йил бозорларимиз ана шундай нознеъматларга тўла бўладими? Деҳқоннинг бундан кўнгли тўқ. “Ўтган йилдагидан-да кўп ҳосил етиштирамиз, Халқимиз бизга ишонапти, халқимиз бизга умид кўзлари билан қараяпти...” деган ўй билан тинимсиз ҳаракатда.

Ҳозирги кунлар... Деҳқон учун ҳар сония — бир вагон олтин. Вақт нур тезлигида ўтяпти. Бу томони уч кўлаб ёмғир... Боболарнинг гапи ёмғир: бир дон тўғри бориб ерга тушади, бир дон омон тортаётган ҳўжизга тегиб, кейин тупроққа қадалади. Кейингиси кеч пишади. Халқ доимо ҳақ. Баҳорнинг сонияси кузнинг бир ойига тенг. Кун йилга татийди. Боболар билган. Боболари билади. Бободоҳқон аталишлари шундан.

Аваллари баҳорда уруғ қадалади, кузда йиғиштирилади, дейишарди. Замон ўзгарди. Ҳозир тўрт фасл ҳам баҳор, тўрт фасл ҳам куз. Сурхондарёлик миришкор бугун пияёз сотяпти, энди навбат картошкага, кейин гилосу ўрик чиқади. Бозорни қанча-қанча сабзавотларга мевалар тўлдириб турибди. Деҳқон елқасида тоғни кўтариб борапти. Давр шундай, деҳқон йил бўйи ҳосил етиштиради, йил бўйи экади. Бозорни 365 кун “очил дастурхон”га айлантиради. Коронавирс келиб-кетувчи шамол, довул. Ҳаёт мажбурийи деҳқон юраги устида.

Анча йиллар ерга ўйат кўз билан қаради. Яшириб нима қиламиз, деҳқон қалби қон бўлди. Қачон қосам оқаради, деб, тикилар эди. Кўзи қосани тешиб юборди. Қанча сабр қосалари тўлиб, тўкилганлари

шўр дарё бўлди. Уч йилдир-ки, деҳқоннинг пешонасида куёш чарақлади. Рост, деҳқонга меҳр янада кўпрок керак. Баъзан кўрамиз: минг тонналаб сабзи етиштирилади, ҳеч ким сотиб олмайд. Харидор кутиб, деҳқоннинг кўзи тўрт бўлади. Сабаи сомонга дўнади. Гоҳида қаердадир қарам, деҳқон табири деб айтилса, ер қони бўлади. Деҳқоннинг “олтин”лари ўз баҳосида сотиб олинаверса, у олтин тоғларини яратишга қодир. Ўзбекнинг деҳқони чексиз захматқаш. Деҳқоннинг елқасидаги чопони ҳар йили янгиланса, нима бўлибди?! Ўзбекнинг захматқаш деҳқони-га ҳам зар тўнлар ярашади. Янги давр, янги Ўзбекистон ҳозир. Бободоҳқоним захматқаш донишмандим, сиз бугун Ўзбекистонга куч-қудрат бўляпсиз. Ҳаммамиз ерга кўчат қадапмиз. Уруғ экяпмиз, сизнинг ёнингиздамиз. Ҳар қанча ердан ният неъматлар умюмда. Сиздан ўрганяпмиз, ерни қадрламаган ўзининг қадрини йўқотади. Жони, ори бор, мажбурияти бор одам тупроқда ризқ-насиба яратмаса, эртага у ким бўлади? Элининг юзига, кўзига қандай қарайди?!

Томорқа, деймиз. У фақат томингн орқаси эмас. Томорқа — орқа тоғ! Суянадиган тоғ! Томорқа — деҳқоннинг жони. Бугун томорқа юртимизнинг ҳам битта орқа тоғи. Сизга имтиёзлару имкониятлар берилди. Бошқа бировларнинг “очил дастурхон”га термилиб тургандан ўзимизнинг томорқамизни, еримизни “очил дастурхон”га айлантирганимиз нур устига нур эмасми?!

Коронавируснинг эҳтиёткорлиги, тартибу чораларини унутманг, масъулият, ақл, фикр меҳнат билан ҳар дақиқани олтинга айлантирсак, бу кунлар бизни буюк барака сари олиб боради.

Менгнор ОЛЛОМУРДОВ,
Ўзбекистон
Ёзувчилар уюмисси
Сурхондарё вилояти
бўлими раҳбари.

Ўзбекистонда эпидемиологик вазиятни
барқарорлаштириш бўйича кўриляётган
чора-тадбирлар хориж ОАВда кенг ёритилмоқда

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодиётни қўлаб-қувватлаш ва коронавирс пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича амалга ошириляётган чора-тадбирлар хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Улар орасида АҚШ ва Канаданинг етакчи нашрлари ва янгиликлар манбалари ҳам бор. Бу ҳақда мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси маълум қилди.

The New York Times

Мисол учун, “**The New York Times**” газетасида “Ўзбекистонда вирус тўғрйли ёпилган бир қатор ритейлерларга фаолиятини қайта бошлаш учун рухсат берилди” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда таъкидланишича, мамлакатда коронавирс тарқалиши апрель ўрталарида ўзининг чўққисига етди ва кундан-кунга у билан касалланиш ҳолати қамайиб борапти. Нашр элчихонамиз маълумотларига таянган ҳолда, республикада вирусдан энг кам зарарланган худудларда айрим чекловлар олиб ташланаётганини қайд этди.

Шулардан келиб чиқиб, таҳлилчилар мамлакатда қатор тоифалардаги чакана савдо, ишлаб чиқариш ва сервис объектларига фаолиятини қайта йўлга қўйишлари учун рухсат берилгани ҳақида қўручиларини хабардор қилган. Улар орасида ўқувчи материаллари, автомобилга эҳтиёт қисмлари етказиб берувчилар, нотариуслар, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат қилувчи марказлар бор, дейилади мақолада.

“Yahoo Finance”

янгиликлар хизмати эса “Ўзбекистон иккита вилоятида коронавирс чекловларини юмшатади” сарлавҳаси билан материал берилди. Унда Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида ҳаракатланиш чекловларини босқичма-босқич қаматириб бориш режалоштириляётганига тўхталиб ўтилган.

“Президент Шавкат Мирзиёев илгари киритилган карантин чек-

yahoo!finance

ловларини юмшатиш йўлидаги биринчи қадамни ташлаган ҳолда, касаллик юктириш ҳавфи паст даражада бўлган туман ҳамда иқтисодиёт секторларини аниқлаш бўйича топшириқ берди”, деб ёзади америкалик журналистлар.

FINANCIAL POST

Канаданинг “**The Financial Post**” газетасида эса Ўзбекистон халқро молия институтларидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ва грантлар шакилда 3 миллиард доллар маблағ олиши тўғрисида дастлабки келишувларга эришгани ҳамда ўзининг ташқи қарз чекловларини вақтинча қўпайтирган ҳолда, яна-

да кўпроқ маблағ жалб қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий банки 2020-2021 йилларга еврооблигациялар чиқаришни режалоштираётгани таъкидланган. Канадалик шарҳловчиларнинг эътироф этишича, бундай амалиёт натижасида олинадиган сумма коронавирс пандемияси оқибатларини юмшатиш ва маҳаллий иқтисодиётни қўлаб-қувватлашга йўналтирилади.

Ўзбекистон ва АҚШ мутахассислари
COVID-19 га қарши курашиш борасида фикр алмашиди

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва профилактикаси маркази (CDC) мутахассислари онлайн маслаҳатлашувлар ўтказди. Бу ҳақда мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси хабар берди.

Онлайн мулоқот

Мулоқот чоғида карантин ва эпидемиологик назоратни ташкил қилиш, COVID-19 га ва иммунологик тестлар ўтказиш, уларни қўлаш усули, инфекцияни юктирган инсонлар билан мулоқотда бўлганларни аниқлаш, мониторинг олиб бориш, вакциналарни ишлаб чиқиш, карантин тадбирларини жорий қилиш шартлари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

CDC минтаҳавий идораси эпидемиологик хизматлар имкониятларини ошириш, техник маслаҳатлар ўтказиш, лаборатория усуқналари ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминлаш

орқали Ўзбекистонда коронавирсга қарши курашиш бўйича кўмаклашишга тайёрилигини билдирди.

Онлайн учрашувда Ўзбекистонда вирус тарқалишини моделлаштириш ҳамда прогноз қилиш тизимини ишлаб чиқиш имкониятлари ҳам муҳокама этилди. Зеро, бунинг ёрдамида эпидемиянинг ривожланиши ва кўламни башорат қилиш, шунингдек, касалликнинг юқори чўққиси ҳамда пасайишини ҳисоблаш имконияти пайдо бўлади.

Маслаҳатлашувлар давомида чегара ўтиш жойларида соғлиқни сақлаш

тизими фаолиятини ривожлантириш учун CDC томонидан ишлаб чиқилган “Кириш пунктлари дастури”ни амалга ошириш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида тезкор тиббий марказни ташкил этиш истиқболлари тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Маълумот учун, Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш маркази АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг федерал агентлиги бўлиб, унга 1946 йлда асос солинган. Асосий вазифаси юқумли ва сурункали касалликларни назорат қилиш ҳамда унинг олдини олиш ҳисобланади. CDC соғлиқни сақлаш соҳасидаги глобал муаммоларни, шу жумладан, 1980 йилларда кенг тарқалган ОИВ/ОИТС, шунингдек, “Эбола”, гриппнинг “А/Н1Н1” тури, “SARS” ва бошқа касалликларга ечим топишда кўп йиллик тажрибага эга.

Унинг бугунги кунда 45 дан зиёд мамлакатларда ваколатхоналари бор.

Санджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Эзгулик боғи гуллаб-яшнайверади

— “Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди”, деган гап бежиз айтилмаган экан, — дейди пешкулик Йирода Раҳматова. — Рўзғордаги етишмовчиликлар тўғрйли “Энди нима қилсак экан?” деб тавишишга тушгандик. Қутилмаганда яхши инсонлар йўқлаб келишди...

Саховат

Тумандаги Кучоқ қишлоғида истиқомат қилувчи бу аёлнинг сўзлари сабаб сўраб-суриштириб билдик: тadbиркор Феруз Маҳмадов ижтимоий кўмакка эҳтиёжидан пешкуликларга жами 55 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини тўхфа қилибди. Ҳар бир оилага 25 килограммдан ун, қадокланган ҳолда 10 ки-

лодан картошка, 5 литрдан ўсимлик ёғи, шунингдек, пияёз, шакар ва бошқа маҳсулотлар тарқатибди.

— “Унг қўлнинг берганини чап қўлнинг билмасин”, дейишди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ёқуб Фаттоев. — Лекин масаланинг яна бир томони ҳам борки, эл бошига иш

тушганида ўзини четга тортмаган, ўзгалардан ёрдамишни дариғ тутмаётган инсонларни халқимиз билиши ҳақ керак, назаримда. Чунки яхшилик қилиш ҳар қимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Эътиборлиси, синовли шу кунларда элга қайишяётган бундай инсонлар сафи тобора кенгайилмоқда. Чунончи, Пешку тумани ҳокимлиги ахборот хизматидаган маълум қилишларича, ёш тadbиркор Жамол Саъдиев ижтимоий тармоқда махсус саҳифа очиб, кўнғилиллар билан ҳамкорликда ногиронлиқли бўлган, эҳтиёжманд фуқароларга кўмак бермоқда.

Ёки ушбу туманининг Дейча маҳалласида туғилиб-

ўсган, айни дамда пойтахтимиздаги “Аср кимё инвест” масъулияти чекланган жамиятини бошқараётган Ойбек Намозовни олайлик. Ундан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиб, кўплаб иш ўринлари яратган бу юртдошимиз қорхона даромади ҳисобидан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими неғизда очилган жамгарма ҳисобига 100 миллион сўм ўтказиб бергани ибратга лойик.

Албатта, шундай серҳиммат инсонлар бор экан, эзгулик боғи гуллаб-яшнайд, юк ерда қолмайди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Уйида туриб даромад топаётган ёшлар

Улар фаолиятини ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Президентимиз раислигида 22 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бугунги кунда кўплаб ёшлар уйида ўтириб, интернет орқали дизайнёрлик, таржимонлик, дастурлаш, реклама, репетиторлик каби хизматлар кўрсатаётгани алоҳида таъкидланди.

Изланиш

Дарҳақиқат, ёшликка хос ғайрат, шихоат, янги ғоя ва ташаббусларни турли соҳаларга йўналтириш яхши самара беради. Шундан келиб чиқиб, ахборот технологиялари соҳасида ҳам навқирон авлод бандлигини таъминлаш бўйича тадбирлар жадал олиб бориляпти.

Яхши билим ва кўниммага эга инсон ҳар қандай шароитда яхши даромад топа олади. Негаки, бугун рақамли хизматлар, яъни масофадан кўрсатиляётган хизматларга талаб ҳар қангонидан ҳам ортди. Онлайн платформа ёрдамида маҳсулот харид қияпмиз ёки таом буюртма беряпмиз. Даромадли иш ўринлари ҳам интернетга қўчмоқда ва онлайн ишчи қучига бўлган талаб ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ёшларни интернетдан фойдаланиб, ақлий меҳнат орқали даромад топишга ўргатиб, бунинг учун замонавий ин-

Бу шунча ёшнинг бандлиги ва даромади таъминланмоқда, деганидир.

— Президентимиз топшириғига асосан, бугунги кунда бизнес-навигатор лойиҳасини ишлаб, охирига етказиш босқичидамиз, — дейди “IT-парк” резидент қорхонаси раҳбари Нодир Турдиматов. — Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳасида кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан бирга, замонавий IT-дастур яратиш устида ишляямиз. Бу лойиҳага 20 дан ортиқ ёш мутахассисларни жалб қилдик. Илл охирига қадар ушбу йўналишда юздан ортиқ мутахассислари тайёрлашни режалоштирганимиз. Бугунги кунда 300 нафар ишчимиз бор. Карантин шароитидан келиб чиқиб, уларни уйдан туриб, онлайн тарзда ишлаш тартибига ўтказганимиз.

— Ҳозирги карантин пайтида масофадан ўз фаолиятимизни давом эттирмоқдамиз, — дейди IT-мутахассиси Фаррух Ибрагимов. — Биз ишляётган лойиҳа қишлоқ хўжалиги соҳасида янги технология ҳисобланади. У сунъий йўлдош орқали далалардаги ҳосил даражасини таҳлил қилади, қунлик, ойлик ва кўп йиллик топографик тасвирлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги учун

Жасорат унутилмайди



Буюк Ғалабага

юртимиз
тиббийёт ходимлари ҳам
муносиб ҳисса қўшган

Иккинчи жаҳон уруши бутун инсоният бошига мисли қўрилмаган даражадаги қулфатларни солгани тарихдан маълум. Собиқ иттифоқ таркибида бўлган республикалар, жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам уруш гирдобига тортилди. Ушбу даҳшатли уруш фронт ва фронт ортида халқимиз бошига ҳам оғир синовларни олиб келди. Инсоният тарихидаги энг муҳими бу урушда 1,5 миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари қатнашган. Уларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлди, 133 минг нафарга яқини бедарак йўқолди. 60 мингдан ортиқ ватандошларимиз эса урушдан ногирон бўлиб қайтди.

Буюк Ғалабага кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳам ўзининг улкан ҳиссасини соҳаси вакиллрининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушидаги фронт ҳамда фронт ортида меҳнат қилган ҳарбийлар ва ишчиларнинг соғлигини тиклаш, уларни урушга қайта тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон тиббийёт соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли олимлар ҳам жалб қилинган. Жумладан, радиология соҳасидаги биринчи тиббийёт фанлари доктори Жалол Мақсумов, тиббийёт фанлари доктори, профессор Усмон Мираҳмедов, эвакогоспитал бошлиғи, врач-окулист Аркадий Вайнбер, Ўзбекистонда болалар ортопедияси мактаби асосчиси, тиббийёт фанлари доктори, профессор Насретдин Шаматов уруш майдонларида жасорат кўрсатганлар. Мазкур олимларнинг шахсий фондлари бугунги кунда Ўзбекистон Илмий техника ва тиббийёт ҳужжатлари миллий архивида сақланмоқда.

Шунингдек, 1941 йилда Тошкент тиббийёт институт (ҳозирги Тошкент тиббийёт академияси) битирувчилари хусусида маълумот архив ҳужжатларида мавжуд бўлиб, Карим Аҳмедов, Асолат Кадинова, Ҳамида Гумарова, Эргаш Юсупов, Жалил Нурмуҳамедов каби соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари тиббийёт олийгоҳини тугатиб, урушга сафарбар этилган ва жанг майдонларидаги ярадор ҳамда беморларни даволаш ва қайта тиклашда мардонавор меҳнат қилишган.

Уруш даврида республикада тиббийёт ходимлари ўз иш тартибларини тубдан ўзгартирдилар. Кўпгина тиббийёт муассасаларида янги меҳнат режими жорий қилинди, иш куни узайтирилди, ишдан кейин қолиб ишлаш жорий этилди, меҳнат таштиллари, дам олиш кунлари бекор қилинди. Қисқача айтганда, тиббийёт ходимлари “Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!” деган ғоя асосида иш юритишган.

Уруш давриларида Гемато-

логия ва қон қуйиш илмий текшириш институтини қон ва зардоб етказиб беришда салмоқли ишларни амалга оширган. Институт ходимларининг фидокорона меҳнати тўғрйли кўплаб уруш қатнашчиларининг ҳаёти сақлаб қолинган. Бутун уруш давомида институт томонидан жами 1600 тонна консервланган қон етказиб берилган. Самолётлар ёрдамида қон қуйиш станцияларидан миллионлаб шиша қутиларда қон ва зардоб фронтнинг тиббий муассасаларига етказилган.

Шундай қилиб, юз минглаб ватандошларимиз меҳнат фронтида захмат чекдилар, ўзи емасдан, киймасдан тогдан насибасини фронтга жўнатди. Ўзбекистонликларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва жасорати юқори баҳоланиб, улар орден ва медаллар билан муқофотланди.

Жасур ота-боболаримиз дунё халқлари қатарига, бу муҳиш урушда чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бугунги озод ва эркин ҳаёт, фарзандларимизнинг бахти ва қамоли учун биз уларнинг олдида қарздормиз. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган бундай азиз инсонларни эъзозлаб, уларнинг соғсаломат ва мазмунли умр кечиришлари учун барча шароитни яратиб бериш — муқаддас инсоний бурчимиз.

Ишончимиз қомилки, ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги жасорати келгуси авлодлар учун мардлик ва жасорат мактаби бўлиб қолади.

Тўртун МЎМИНОВ,
Ўзбекистон Илмий техника
ва тиббийёт ҳужжатлари
миллий архиви бўлими
мудир.

Маълумки, коронавирс инфекциясига қарши курашишда шифокорларимизнинг реал вақт режимида ўзаро маслаҳат ва маълумот алмашиш имконияти ҳам катта аҳамиятга эга. Мана шундай видеомулоқотларни ташкил этишда “Ўзбектелеком” компаниясининг ёш хиссасини кўшмоқда. Қисқа вақт ичида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юртимиздаги тўқсонга яқин объектлари худудида видеоконференцалоқа хизматлари ташкил этилди.

Ахборот технологиялари вақт ва жой танламайди. Зарур инфра-тузилма мавжуд бўлса, минглаб ёшлар иш билан таъминланади. Биз келтирган ҳаётий мисоллар эса мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қулай имкониятлар яратилганини яққол намойиш этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

